Ватанни севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 2 июнь, пайшанба № 95 (21.699). Сотувда эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ, ТАДБИРКОРЛИК ВА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БЎЙИЧА ИДОРАЛАРАРО КЕНГАШ МАЖЛИСИДАН

1994 йил 28 майда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича Идоралараро Кенгашнинг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Идоралараро Кенгаш Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов олиб борди.

Мажлисда қуйидаги масалалар кўриб чиқилди.

1. Республика Ҳукуматининг қишлоқ хўжалигида ва деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантиришда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги қарорининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида.

2. Қийматли қоғозлар бозорини шакллантиришни жадаллаштириш ва фондли биржа фаолиятини ташкил этиш тўғрисида.

Биринчи масала юзасидан қуйидаги қарорлар қабул қилинди:

1. Шу нарса қайд этилдики, деҳқончилик саноати мажмуи вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари деҳқончилик саноати мажмуида иқтисодий қайта ўзгартиришларни амалга ошириш бўйича етарли иш олиб бормаяптилар. Қишлоқ хўжалигини бошқариш механизми пухта ишлаб чиқилмаган, унинг тузилмаси ҳамон самарасизлигича қолмоқда, эскиликка ёпишиб олиш ҳолатлари ўтилмаган, меҳнатга ҳақ тўлаш тизими бозор муносабатлари шароитларига татбиқан ўзгармасдан қолмоқда.

Банк тизими, айниқса «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» иши тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади, уларда кредитларни тақсимлаш субъектив омиллар асосида амалга оширилмоқда, ажратилган ресурсларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда қайтариш таъминланмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид нархларини ўзбошимчалик билан белгилаш ҳоллари бартараф этилмаган, шартномага асосланиш принципи бузилмоқда, маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркинлиги таъминланмаяпти.

2. Қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларнинг аҳволини ўрганиш, камчиликларни йўқотиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ва қишлоқдаги қайта ўзгартириш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида қуйидаги таркибда комиссия тузилсин:

И. Ҳ. ЖЎРАБЕКОВ Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, комиссия раиси

Б. С. ҲАМИДОВ Бош вазир ўринбосари, республика молия вазири

В. А. ЧЖЕН Бош вазир ўринбосари, Давлат мулки қўмитаси раиси

Б. М. МУСТАФОЕВ Республика Бош прокурори

А. М. МАРДИЕВ Республика адлия вазири

Н. Қ. ҚАЮМОВ Республика қишлоқ хўжалиги вазири

А. АҲАДОВ «Ўздеҳқончиликсаноатбанк» бошқаруви раиси

Ш. Ғ. ЯҲЁЕВ «Ўздавтелерадио» компанияси раиси

Н. ЁҚУБОВ «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ҳокимлари.

3. Комиссияга бўлиб ўтган муҳокамани ҳисобга олган ҳолда шу йилнинг июнь ойи мобайнида Қорақалпоғистон Республикасига ва республика вилоятларига бориб, қуйидагиларни кўриб чиқиш топширилсин:

иқтисодий қайта ўзгартиришларнинг бориши, қишлоқда хўжалик юритишнинг кўп укладли шаклларини шакллантириш, улар фаолиятининг ҳуқуқий негизини тартибга солиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш тизими, маҳсулот етиштирувчилар, тайёрловчилар ва хизмат кўрсатиш соҳаси ўртасидаги шартномалар асосида ишлаб чиқариш бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш;

банк тизими фаолияти, ажратилган кредитларни тақсимлашда талаблар ва қоидаларга риоя қилиш, кредит бериш принциплари, уларни ажратишда туманлар ҳокимларининг аралашуви ҳоллари; қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини уруғлик, ўғитлар, кичик техника ва сервис хизмати кўрсатишнинг бошқа йўналишлари билан таъминлаш.

4. Комиссияга масалани ўрганиш якунлари бўйича қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг аҳволи таҳлилини тайёрлаш ва тегишли таклифларни республика Ҳукуматига киритиш топширилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Идоралараро Кенгаш қарор қилади:

1. Кенгаш аъзолари А. Абдуқодиров ва А. Мардиевнинг қийматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва фондли биржа фаолиятини ташкил этиш бўйича республикада амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотни маълумот учун қабул қилинди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар тавсия қилинди:

қийматли қоғозлар бозорини шакллантириш жараёнини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, келишиш ва эксперт ишлаб чиқиш тезлаштирилсин;

қийматли қоғозлар бозорини тартибга солишнинг асосий шартларини белгиловчи муҳим норматив ҳужжатларни етакчи консалтинг фирмаларга эксперт хулоса учун бериш амалиётидан фойдаланилсин.

3. Қийматли қоғозлар бозорини, унинг инфраструктурасини, шунингдек, қийматли қоғозлар билан биржа фаолиятини жадал ривожлантириш мақсадида Кенгаш аъзолари — Бош вазир ўринбосари, молия вазири Б. С. Ҳамидов, Бош вазир ўринбосари, Давлат мулки қўмитасининг раиси В. А. Чжен:

Вазирлар Маҳкамасига Молия вазирлиги ҳузурида асосий вазифаси қийматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ва тартибга солишнинг давлат стратегиясини, тактикасини ишлаб чиқиш, инвесторлар-акционерлар кафолатларини таъминлаш мақсадида қийматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг фаолиятларини назорат қилиш бўлган қийматли қоғозлар ва фондли биржа бўйича давлат комиссиясини тузиш юзасидан таклиф киритсинлар;

давлат қийматли қоғозлари билан бирга корхоналар қийматли қоғозларининг ҳам муомалада бўлишини, уларнинг рентабеллик, ликвидлилик, ишончлилик ва оммавийлик шарт-шароитларини таъминлашни назарда тутган ҳолда фаоллаштириш механизмини ишлаб чиқсинлар;

1992 йил 12 февраль Давлат заёми облигацияларига талабни унинг муомалада бўлиш шартларини ва тўланадиган фоизлар ҳажмини давлат заёмларининг ишончлилик ҳамда жалб этувчанлик даражаларини оширишни назарда тутган ҳолда ўзгартириш асосида рағбатлантириш бўйича таклифлар тайёрласинлар;

Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, тижорат банкларининг етакчи мутахассислари, шунингдек, Республика фондли биржаси ходимлари гуруҳи тажриба ортириш учун қисқа муддат билан жаҳондаги йирик фондли биржаларга ва инвестиция фондларига юборилсин.

4. Адлия вазирлиги:

қийматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларни тартибга солсин, эълон қилсин ҳамда корхоналарда ва аҳоли ўртасида уларнинг мазмуни бўйича кенг тушунтириш ишларини олиб борсин;

Молия вазирлиги билан биргаликда корхоналар ва банкрот тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, зарар кўраётган ва уни тўлашга қодир бўлмаган корхоналар акционерларининг манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Давлат мулки қўмитаси Тошкент иқтисодиёт университети билан биргаликда, икки ҳафта муддатда, қийматли қоғозлар бозорини тартибга солиш, қийматли қоғозлар бозорида қатнашиш асослари бўйича кадрлар тайёрлаш давлат тизими тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Давлат корхоналари негизида ташкил этилган хўжалик бирлашмалари, уюшмалари ва акционерлик жамиятлари раҳбарларига қуйидагилар тавсия этилсин:

ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларини устав фондидаги давлат улушини қайта кўриб чиқиш, устав фондини кўпайтириш ва акцияларни бозорда, шу жумладан, Республика фондли биржасида эркин тарқатиш учун қўшимча эмиссия қилиш асосида очиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантириш жараёнини жадаллаштириш бўйича узил-кесил чора-тадбирлар кўриш;

Республика фондли биржасида ва Давлат мулки қўмитасининг махсус курсларида қийматли қоғозларни чиқариш ва муомалада бўлишини ташкил этиш асослари бўйича тегишли мутахассисларнинг ўқишини ташкил этиш.

7. «Ўздавтелерадио» компанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари хусусийлаштириш, очиқ турдаги акционерлик жамиятларини ташкил этиш ва умуман республикада иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларини тарғиб қилишни кенгайтирсинлар.

И. А. Каримовнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича Идоралараро Кенгаш аъзолари таркибига Бош вазир ўринбосари, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитасининг раиси М. Ш. Шарифхўжаев киритилди.

Идоралараро Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Х. Халилов, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. М. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков қатнашдилар.

Азиз болажонлар, Марказий Осиё деб аталмиш гўзал ўлкаларнинг санъат ғунчалари!

Сизларни бугунги шодлик, истиқлол, тинчлик ва дўстликни таранум этувчи фестивалингизнинг очилиши билан табриклайман.

Халқларимиз узоқ ўтмишдан бир-бирлари билан елкама-елка, оға-инидек яшайдилар. Шу туфайли ҳам уларнинг урф-одатлари, тили, анъаналари, куй-қўшиқлари ҳам бир-бирига яқин, ҳамоҳанг ва тушунарлидир.

Бугунги кунда сизлар турли мустақил давлатларнинг ёш вакилларисиз. Лекин дўстлик, санъат, куй-қўшиқ чегара билмайди. Биз, катта авлод вакиллари эса сизларни дўст-иноқ, бир-бирингизни севиб-ардоқлаб яшамоғингиз, яхши инсонлар бўлиб етишмоғингиз учун, халқларимиз ўртасидаги азалий оға-инилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз.

Мен ўйлайманки, сизларнинг бугунги байрамингиз анъанавий бўлиб қолади, гўзал ўзбек диёри эса ҳамиша сизларни ўз фарзанди каби кутиб олишига ишончим комил.

Фестивалингиз ишига муваффақият, сизларга эса бахт-иқбол, ўқишларингизда улкан зафарлар, ўз халқингизнинг муносиб фарзандлари бўлиб етишувингизда энг эзгу тилаклар билдираман.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР—ЭТНОГРАФИЯ ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

**Ангор туманидаги М. Азизов номли жамоа хўжалиги далаларида ғалла ўрими қизғин давом эттирилмоқда. Бу ерда 323 гектар майдонда арпа ва буғдой етилиб пишди. Бошоқли дон экинлари етиштиришда катта тажриба тўплаган хўжалик деҳқонлари бу йил минг тоннага яқин дон йиғиштириб олишни мўлжалламоқдалар.**

**Шу билан бирга такрорий экинлар экишга ҳам тайёргарлик кўрилаётир. Шу боис ерлар пешма-пеш текислаб, шудгорланмоқда. Ғалладан бўшаган майдонларнинг асосий қисмига эса ғўзанинг тезпишар «Юлдуз» нави чигити қадалмоқда. Шу жумладан, озуқа экинлари ва сабзавот ҳам экилаётир.**

**СУРАТДА: бригада бошлиғи Жовли Қурбонов ва механизатор Ҳамро Жўраев.**

**И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари, Сурия Араб Республикаси миллий байрами муносабати билан юборган табригингиз учун чуқур миннатдорлик билдираман. Сизга эзгу ниятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт, дўст ўзбек халқига эса равнақ ва фаровонлик тилаш имконига эга бўлганимдан мамнунман.

**Ҳафиз ал АСАД,**

**Сурия Араб Республикаси Президенти.**

## САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ БАЙРАМИ

1 июнь куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида Марказий Осиё республикалари болалар фольклор-этнография фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлди. Шодиёналар муҳташам кошона ҳовлисида бошланди. Миллий либос кийган ёш доирачи, карнайчи-сурнайчи, раққосалар анжуман иштирокчиларини олқишлаб, куй ва рақслар ижро этди. Сарой майдони шодон чеҳралар табассуми билан байрамона тароват касб этди.

Анжуманни мазкур фестивални ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси, республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев очди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фестиваль қатнашчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб берди.

Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев республикада соғлом авлодни вояга етказиш, ёш истеъдодларни камол топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапирди ва анжуман иштирокчиларини санъат байрами билан қутлади.

Ёш санъат ғунчалари концерти байрам файзига файз қўшди.

**(ЎзА).**

## *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

### ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА СУТНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Хўжаликларнинг чорва молларини ўстириш ва сут етиштириш ҳамда сотиш ҳажмларини кўпайтиришдаги иқтисодий манфаатдорликларини ошириш мақсадида, шунингдек, омихта ем ва транспортга тарифларнинг ўсиши муносабати билан Вазирлик Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 1994 йил 1 июндан бошлаб чорва моллари ва сутнинг чекланган харид нархлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чорва моллари ва сутнинг янги харид нархлари прейскурантларини ишлаб чиқсин ва манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 31 мартдаги 177-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 1 июнь

### Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова

**ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА СУТ ХАРИД НАРХЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ**

**Бир тоннаси учун минг сўм-купонда** (ўртача)

| | тирик вазнда | сўйилган вазнда |
|---|---|---|
| қорамол, от ва туялар | 3400 | 7000 |
| чўчқалар | 4200 | 7000 |
| қўй ва эчкилар | 2800 | 7000 |
| Асосий ёғлилик даражаси 3,6 фоиз бўлган сут | | 600 |

## МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРМОНЛАР ВА ҚАРОРЛАР

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришда чора-тадбирлар тўғрисида

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН УКАЗЫ И ПОСТАНОВЛЕНИЯ

О мерах по дальнейшему углублению экономических реформ, обеспечению защиты частной собственности и развитию предпринимательства

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ижроия ҳокимияти меъёрий ҳужжатларининг бутун бир мажмуи қабул қилинди, улар хусусий мулк муносабатлари ҳамда тадбиркорликни маърифий равишда ривожлантириш, халқ хўжалигининг бутун тизимини тубдан ўзгартиришда ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январда чиқарган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини ижро этиш юзасидан қабул қилинган ана шу ҳужжатларни мужассам этган тўплам «Ўзбекистон Республикаси Фармонлар ва қарорлар» рукни остида «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиқди.

Тўпламга ҳозирги босқичда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратувчи муҳим ҳужжатлар — Президент Фармонлари, Республика ҳукуматининг қарор ва фармойишлари киритилган.

Бу ҳужжатларда мулкнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлиги, хусусий мулк эгалари ва тадбиркорлар шу жумладан, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқлари кафолатлангани ва ҳимоялангани, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклда хўжалик юритаётган субъектларни вужудга келтириш ва уларнинг амал қилиш механизми, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш тамойиллари муфассал ёритилган.

Мазкур тўпламга киритилган ва бошқа ҳужжатлар бозор муносабатларига доир қонунчиликни ривожлантиришда янги босқич бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотни янада юқори даражага кўтариш, тадбиркорлар ва фермерларнинг иқтисодий эркинликларини таъминлаш, жаҳон бозорига чиқиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, кўпгина мутахассис ва тадбиркорларга бозор шароитида ишлашда яхши ҳуқуқий асос бўлади. Хорижий тилларга ҳам таржима қилинган мазкур тўпламни яқин кунларда савдо шохобчаларидан харид қилиш мумкин.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон—ФИФА аъзоси

Футбол федерациялари халқаро уюшмаси (ФИФА) қароргоҳи жойлашган Швейцариянинг Цюрих шаҳридан хушхабар келди. Бу ташкилот бош котиби Йозеф Блаттер имзолаган телеграммада бундай дейилади:

«Сизларни Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси ФИФА аъзолигига қабул қилингани ҳақида хабардор қилишдан бахтиёрмиз. Футбол федерациялари халқаро уюшмаси ижроқўмининг навбатдаги йиғилишда шундай қарор қабул қилишди».

ФИФАнинг республикамиз футбол федерациясини расмий тан олиш ҳақидаги қарори Осиё Футбол Конфедерациясига ҳам тааллуқлидир. Бу қарор республикамиз миллий терма командалари ва клублари олдида янги истиқболлар очади.

Республикамизнинг етакчи жамоалари — Фарғонанинг «Нефтчи» ва Тошкентнинг «Пахтакор» командаларининг чемпионлар ва кубок эгалари кубоги мусобақаларида иштирокчилари рўйхатига киритилиши бу ҳодисанинг энг дастлабки маҳсулидир.

**(ЎзА).**

## ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ—ҲАЁТГА!

**Гулистонда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишда вилоят партия ва ёшлар иттифоқи ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлик йўналишлари ҳақидаги масала муҳокама этилди.**

Мазкур масала юзасидан ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов маъруза қилди.

Пленум иштирокчилари яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессиясида қабул қилинган ҳужжатлар, республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқи мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги янги босқич бўлгани, ушбу нутқ вилоят партия ташкилотининг шу кунлардаги ва келажакдаги ҳаракат дастури бўлиб хизмат қилажаги таъкидлаб ўтилди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққанлар Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ этишда, жойлардаги партия ташкилотлари ҳамда ёшлар иттифоқи уюшмаларининг биргаликда ҳаракат қилишлари, айниқса, муҳимлиги хусусида атрофлича фикр юритдилар.

Қўшма пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расулов, Сирдарё вилоятининг ҳокими Ғ. Ҳасанов, республика Ёшлар Иттифоқи Марказий Кенгашининг иккинчи котиби Ғ. Раҳимшоқов сўзга чиқдилар.

Қўшма пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шу куни ўртоқ М. Расулов ХДП шаҳар ва туман кенгашларининг котиблари билан учрашди. Унда ҳозирги кунларда партия ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар, турар жойларда партия ташкилотларини шакллантириш, бўлажак Олий Мажлис ҳамда маҳаллий кенгашларга ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик, Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишга оид масалалар хусусида сўз борди.

**Абдужалил УМАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЁШЛАР СИЁСАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ёшларга доир сиёсатини амалга оширишда вилоят партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама қилинди.

Бу ҳақда вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Р. Мухторов маъруза қилди. Маърузада Ўзбекистон Республикаси Президенти, ЎзХДП Раиси И. А. Каримовнинг Республика Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқида баён этилган йўл-йўриқ ва хулосалардан келиб чиқиб, қураётган демократик жамиятимизга муносиб ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш — умумхалқ, умумдавлат аҳамиятига молик вазифа эканлиги, уни бажаришда партия ташкилотлари ташаббускор бўлишлари зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Пленумда сўзга чиққанлар ёшларни баркамолликка эришишларида ХДП аъзолари фаол бўлишлигини таъкидладилар.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## САФАРБАРЛИК

Бу йилги баҳор ҳар йилгидан ҳам ноқулай келди. Натижада Амударё туманидаги барча хўжаликларнинг экин майдонлари шикастланди ва зарарланди. Бундай табиий офатлардан пахтакорлар, механизаторлар, соҳибкорлар сира чўчимадилар. Улар белни маҳкам боғлаб, бободеҳқонларнинг иш тажрибаларига амал қилган ҳолда иш олиб бордилар. Тумандаги ХДП бошланғич ташкилотлари, партия аъзолари бош бўлиб, ғўза ва бошқа экинларнинг тупларини қатқалоқдан юмшатишда, қайта экишни тезроқ ўтказишда фаол иштирок этдилар.

— Туманимиздаги барча хўжаликлар сел-ёмғирлардан зарарланди,— дейди туман партия кенгаши биринчи котиби Р. Рўзметов.— Жами 6983 гектардаги экин майдонидан 4490 гектарига чигит қисқа муддатларда қайта экилди.

Қайта экишларни тезроқ ўтказиш, ғўза тупларини юмшатиш, ғўза қатор ораларига ишлов беришда жами 11,5 минг киши, жумладан, 1,2 минг нафар партия аъзолари иштирок этмоқда. 361 та культиватор ишлаб турибди.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг 1983 йил 5 июлдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1983 йил, № 19, 320-модда; 1985 йил, № 10, 84-модда; 1986 йил, № 26, 328-модда; № 34, 414-модда; 1988 йил, № 21, 239-модда; 1989 йил, № 1, 2-модда; № 16-17, 187-модда; № 35-36, 611-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1. 5-модданинг биринчи қисми бешинчи хатбошиси «квартиралар» деган сўздан кейин «шу жумладан хусусийлаштирилган квартиралар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 6-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«6-модда. Давлат уй-жой фонди**

Давлат уй-жой фонди — маҳаллий ҳокимият органларининг уй-жой фонди ҳамда давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўлиқ хўжалик тасарруфида ёки оператив бошқарувидаги уй-жой фондидир.

Меҳнатга қобилиятсизлар, ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва уларнинг оила аъзоларига, агар уларнинг жон бошига тўғри келадиган ўртача ойлик даромадлари энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлса, шунингдек биринчи марта никоҳдан ўтган турар жойга муҳтож ёш оилаларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхатга биноан гражданларнинг ижтимоий ҳимояланмаган ва таъминоти оз бошқа тоифаларига маҳаллий ҳокимият органлари ҳузурида аниқ мақсадга қаратилган, ижара шартномаси талаблари асосида хусусийлаштириш ҳуқуқисиз фойдаланиладиган коммунал уй-жой фонди ташкил этилади».

3. 10-модданинг биринчи қисми «турар жой олиш» деган сўзлардан кейин, «сотиб олиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4. 11-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гражданлар ўзлари яшаб турган уйни, квартирани авайлаб сақлашлари, турар жойлардан ўз мақсадида фойдаланишлари, турар жойлардан фойдаланиш қоидалари ҳамда таомилга риоя қилишлари, белгиланган солиқларни ва коммунал хизматлар ҳақини ҳамда уйдан фойдаланишга кетадиган харажат пулларини ўз вақтида тўлашлари, ўзларига қарашли турар жойларга хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлаш юзасидан корхоналар ва хусусий шахслар билан тузилган шартнома мажбуриятларига риоя этишлари, сув, газ, электр ва иссиқлик энергиясини тежаб-тергаб сарфлашлари шарт».

5. 14-модданинг:

3-банди «республикада» деган сўздан кейин «давлат» деган сўз билан тўлдирилсин;

6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) квартира ва ижара ҳақини, уйдан фойдаланишга кетадиган харажат пуллари ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш тартиби ва муддатларини белгилаш.»

6. Уй-жой кодекси қуйидаги мазмундаги 21[1]-модда билан тўлдирилсин:

**«21[1]-модда. Хусусийлаштирилган уй-жойларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш**

Хусусийлаштирилган турар жойларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш шартнома асосида амалга оширилади. Тўлиқ хусусийлаштирилган уйдаги турар жой эгалари уйдан фойдаланиш ширкати тузишлари мумкин. Бу ширкат уйга хизмат кўрсатувчи ва уни таъмирловчи ташкилотни мустақил танлайди.

Қисман хусусийлаштирилган уйлардаги гражданларнинг мулкига айланган турар жойларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш шу уйларга хусусийлаштиришга қадар хизмат кўрсатган уй-жойлардан фойдаланиш ва таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Хусусийлаштирилган турар жойларнинг эгалари унинг инженерлик ускуналарига, умумий фойдаланиладиган жойларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ҳамда унинг теварак-атрофига қараш билан боғлиқ харажатлар ҳақини ўзлари эгаллаб турган умумий майдонга мутаносиб равишда тўлайдилар».

7. 28-модданинг:

номи «тақсимлаш» деган сўздан кейин «ва хусусийлаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

мазкур модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағи ҳисобига пайчилик шарти билан янги қурилган уйлардаги уй-жойларни хусусийлаштириш тартиби корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўзлари томонидан белгиланади.»

8. 31-модданинг биринчи қисми «турар жой олиш» деган сўзлардан кейин «ёки уларни мулк сифатида сотиб олиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. 53-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Турар жойга ижара туриш шартномасига мувофиқ кўчиб кириш учун уй-жой ажратилганлиги тўғрисида берилган ордер, ижарачининг кўчиб кириши учун ижара шартномаси, уй-жой эгасининг кўчиб кириши учун мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, шу жумладан хусусийлаштирилган квартира эгасининг кўчиб кириши учун мулкдорлик ҳуқуқи хусусида берилган давлат ордери асос бўлади. Гражданларнинг турар жойларга ижара туриш шартига, ижара шартномасига мувофиқ ёки мулк сифатида сотиб олган ҳолда кўчиб киришини маъмурий чеклашларга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.»

10. 56 ва 57-моддаларнинг номи ва матнларидаги «Турар жойни ижарага олиш» деган сўзлар «Турар жойда ижара туриш ёки уни ижарага олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 139[1]-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Хусусийлаштирилган квартиранинг, уйнинг (уй бир қисмининг) эгаси ўз квартирасини, уйини (уйнинг бир қисмини) исталган бошқа квартирага ёки уйга (уйнинг бир қисмига) уй рўйхатидан ўтказиш ва турар жойи борасида ҳеч қандай чекловларсиз айирбошлаш ҳуқуқига эгадир.»

12. Уй-жой кодекси қуйидаги мазмундаги 139[2]-модда билан тўлдирилсин:

**«139[2]-модда. Оила аъзоларининг хусусийлаштирилган квартирага ёки уйга (уйнинг бир қисмига) нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Хусусийлаштирилган квартира ёки уй (уйнинг бир қисми) эгасининг оила аъзолари ва уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ўзларининг умумий мулклари ҳисобланган хусусийлаштирилган уй-жойга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эгадирлар.

Хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш ёки ижарага бериш хусусийлаштирилган уй-жой эгасининг вояга етган оила аъзолари ёки уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар розилиги билан амалга оширилади, бунда хусусийлаштирилган уй-жой эгасининг вояга етмаган оила аъзоларининг манфаатларини уларнинг ота-оналари, ҳомийлари ва васийлари ҳимоя қиладилар.

Турар жой эгалари бир квартирада истиқомат қилишининг имконияти бўлмай қолган тақдирда суд уйдан кўчиб кетаётган кишига умумий мулк бўлган квартирадаги унинг улуши қийматини ҳокимият органлари белгилайдиган, судга даъво аризаси берилган кундаги бозор нархида пул билан тўлашни турар жой эгаларидан бирининг зиммасига юклаган ҳолда мазкур Кодекснинг 112-моддасини қўллашга ҳақли.»

13. 151-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«151-модда. Ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан уйлари (уйларининг бир қисми) ёки квартиралари бузиладиган гражданларни турар жойлар билан таъминлаш**

Давлат ёки жамият эҳтиёжи учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан гражданларга қарашли уй (уйнинг бир қисми) ёки квартира бузиладиган бўлгани тақдирда ана шу гражданларга уларнинг хоҳишига кўра ҳамда томонларнинг келишувига биноан бепул мулк қилиб бериладиган квартира олиш ёхуд тегишли корхона, муассаса, ташкилот томонидан янги жойда қурилган уй, иморат, иншоотни мулк қилиб олиш ёки бузилган уй (уйнинг бир қисми), квартира, иморат, иншоот, нобуд бўлган экин ва дов-дарахтлар эвазига товон пули олиш ҳуқуқи берилади.»

14. 152 ва 153-моддалар чиқариб ташлансин.

15. 16-модда ва 17-модданинг 4-банди, 32-модданинг номи, 32, 37, 131-моддаларнинг матнлари «уйларнинг», «уйларининг», «уйлари», «уй-жойи», «уйларда», «уйдаги», «уйлардаги», «уйларига», «уйига» деган сўзлардан кейин тегишинча «(уйлар бир қисмининг) ва квартираларнинг», «(уйлар бир қисмининг) ва квартираларининг», «(уйлар бир қисми) ва квартиралари», «(уйнинг бир қисми) ва квартираси», «(уйлар бир қисмида) ва квартираларда», «(уйнинг бир қисмидаги) ва квартирадаги», «(уйлар бир қисмидаги) ва квартиралардаги», «(уйлар бир қисмига) ва квартираларига», «(уйнинг бир қисмига) ва квартирасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-бобнинг, 134—141-моддаларнинг, 144—150-моддаларнинг номлари, шунингдек 134—150-моддаларнинг матнлари «уйлардаги», «уйдаги», «уй-жойдан», «уй», «уйга», «уйни», «уй-жойларни», «уйларни», «уй-жойи», «уй-жой» деган сўзлардан кейин тегишинча «(уйлар бир қисмидаги) ва квартиралардаги», «(уйнинг бир қисмидаги) ва квартирадаги», «(уйнинг бир қисмидан) ва квартирадан», «(уйнинг бир қисми) ва квартира», «(уйнинг бир қисмига) ва квартирага», «(уйнинг бир қисмини) ва квартирани», «(уйларнинг бир қисмини) ва квартираларни», «(уйнинг бир қисми) ва квартираси», «(уйнинг бир қисми) ва квартира» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 6 май.

---

„ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ТАҲЛИЛИГА

# ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МАКОН ЙЎЛИДА

**Донишманд ота-боболаримиз бугун биз «ягона иқтисодий макон» деб атаётган иқтисодий тизимни ўша пайтдаёқ шакллантириб улгурганлар. Бизнинг бугунги вазифамиз тарих синовидан ўтган шу қардошлик ришталарини янада такомиллаштириш, унга янгича моҳият бағишлашдан иборатдир.**

**Ислом КАРИМОВ.**

Албатта, аввало бу йўлда Марказий Осиё иқтисодий иттифоқини мустаҳкам негизга қўйиш, ундан ҳам олдин миллий иқтисодиётни юксалтириш лозим. Бусиз, арава отдан олдин юра олмаганидек, қитъалараро ягона иқтисодий маконни орзу қилмоқ кулгули. Нега? Маълумки, Марказий Осиё жаҳоннинг йирик ҳудудларидан бири. Унинг ер майдони салкам 4 миллион квадрат-километр, аҳолиси 50 миллион кишидан ортиқ.

Бу ерда бешта мустақил республика — давлат жойлашган. Мазкур мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда 1991 йилнинг баҳоридан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни бошланди. **Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шартлари ва ўзига хос жиҳатлари Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» китобларида асослаб берилди.** Маълумки, бозор иқтисодиётини барпо этиш миллий, ички ҳодисадир. **Бунинг учун дастлаб хусусий мулкка эрк бериш, рақобатни вужудга келтириш, эркин соҳибкорликни ривожлантириш керак бўлади. Шу билан бир қаторда унинг ташқи жиҳатлари — миллий иқтисодиётни халқаро хўжалик тизими билан уйғунлаштириш муаммолари ҳам йўқ эмас.**

Ўтган йилнинг илк кунлари Тошкентда Ислом Каримов ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иштирокида тўбдан янгича иқтисодий ҳамкорлик масаласи кўтарилган эди. **Бу воқеа Ўзбекистонни минтақа муаммоларини дунё миқёсига олиб чиқувчи марказ сифатида яна бир марта жаҳонга танитди.** Мазкур ҳаракат бугун ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Шу йилнинг биринчи февралидан уч қўшни мамлакат — Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги божхона тўсиқлари олиб ташланди. «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (1994 йил 21 январь) Президент Фармони миллий иқтисодиётни халқаро хўжалик тизимига уйғунлаштиришга кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Яна шу муносабат билан ҳаётимизга «Марказий Осиё иқтисодий ҳамжиҳатлиги», «Марказий Осиё ягона иқтисодий ҳудуди», «Марказий Осиё ягона иқтисодий макони», «Марказий Осиё регионал бозори» тушунчалари кириб келди. Ҳудудимизнинг умумлаштирилиб Марказий Осиё деб аталишининг ўзи ҳам катта янгилик бўлди. Гап шундаки, ҳозиргача қатъий жуғрофий маънода Марказий Осиё деганда Хитой ва Мўғулистон тушунилар эди. Илгари Туркистон деб атаб келинган бу минтақа шўролар даврида «Ўрта Осиё» номини олди. Лекин унга Қозоғистон кирмай қолди. Ғарбда эса Ўрта Осиё ҳамиша Марказий Осиё деб таржима қилинар ва шундай тушунилар эди.

Хўш, Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлиги янги мустақил давлатларга, уларнинг халқларига нималарни беради?

Бир неча мамлакат имкониятларини бирлаштириш ва уни долзарб умумий хўжалик муаммоларини ечишга қаратиш зўр самара бериши аниқ. Бу — тажрибада синалган қонуният. Марказий Осиё минтақасида аҳолиси ва меҳнат ресурслари бўйича (40 фоиз) етакчи ўринни Ўзбекистон, ер майдони бўйича (68 фоиз) Қозоғистон эгаллайди. Қолаверса, бу икки мамлакатда минерал хом-ашёнинг жуда катта заҳиралари бор. Ўзбекистонда, мисол учун, олтин, кумуш, уран, мис, молибден, қўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа қазилма бойликлар сероб. Республика яқин келажакда ўз темир конларига ҳам эга бўлади. Туркманистон ёқилғи-энергетика ресурсларига бой. Қирғизистон Марказий Осиёнинг Швейцариясига айланиш ҳаракатида. Аммо минтақа иқтисодиётининг заиф томонларидан бири унинг собиқ иттифоқ саноат районларига боғлиқлигидир. Бу ерда ишлаб чиқариш ва савдо-алоқа тизими собиқ СССР ягона халқ хўжалик мажмуи манфаатларига бўйсундирилган ҳолда қарор топганди. Марказий Осиё республикалари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, асосан пахта, ипак, каноп, мева, сабзавот етказиб бериши керак эди. Бундай ихтисослашув маҳаллий саноат базасини ривожлантиришга имкон бермасди. Бу ҳол минтақа иқтисодиётини саноат маҳсулотларининг баҳоларини эркинлаштиришдан манфаатдор қилмай қўйди. Бозор муносабатларига ўтиш, эски кооперация алоқаларининг узилиши туфайли энергия воситаларига, ўрмон-ёғоч, металл, ғалла ва бошқа маҳсулотлар нархининг кескин ошиб кетиши унинг инженерлик ускуналарига, умумий фойдаланиладиган жойларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ҳамда унинг теварак-атрофига қараш билан боғлиқ харажатлар ҳақини ўзлари эгаллаб турган умумий майдонга мутаносиб равишда тўлайдилар».

7. 28-модданинг:

номи «тақсимлаш» деган сўздан кейин «ва хусусийлаштириш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

мазкур модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағи ҳисобига пайчилик шарти билан янги қурилган уйлардаги уй-жойларни хусусийлаштириш тартиби корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўзлари томонидан белгиланади.»

8. 31-модданинг биринчи қисми «турар жой олиш» деган сўзлардан кейин «ёки уларни мулк сифатида сотиб олиш» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. 53-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Турар жойга ижара туриш шартномасига мувофиқ кўчиб кириш учун уй-жой ажратилганлиги тўғрисида берилган ордер, ижарачининг кўчиб кириши учун ижара шартномаси, уй-жой эгасининг кўчиб кириши учун мулкдорлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат, шу жумладан хусусийлаштирилган квартира эгасининг кўчиб кириши учун мулкдорлик ҳуқуқи хусусида берилган давлат ордери асос бўлади. Гражданларнинг турар жойларга ижара туриш шартига, ижара шартномасига мувофиқ ёки мулк сифатида сотиб олган ҳолда кўчиб киришини маъмурий чеклашларга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.»

10. 56 ва 57-моддаларнинг номи ва матнларидаги «Турар жойни ижарага олиш» деган сўзлар «Турар жойда ижара туриш ёки уни ижарага олиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 139[1]-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Хусусийлаштирилган квартиранинг, уйнинг (уй бир қисмининг) эгаси ўз квартирасини, уйини (уйнинг бир қисмини) исталган бошқа квартирага ёки уйга (уйнинг бир қисмига) уй рўйхатидан ўтказиш ва турар жойи борасида ҳеч қандай чекловларсиз айирбошлаш ҳуқуқига эгадир.»

12. Уй-жой кодекси қуйидаги мазмундаги 139[2]-модда билан тўлдирилсин:

**«139[2]-модда. Оила аъзоларининг хусусийлаштирилган квартирага ёки уйга (уйнинг бир қисмига) нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Хусусийлаштирилган квартира ёки уй (уйнинг бир қисми) эгасининг оила аъзолари ва уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар ўзларининг умумий мулклари ҳисобланган хусусийлаштирилган уй-жойга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эгадирлар.

Хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш ёки ижарага бериш хусусийлаштирилган уй-жой эгасининг вояга етган оила аъзолари ёки уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар розилиги билан амалга оширилади, бунда хусусийлаштирилган уй-жой эгасининг вояга етмаган оила аъзоларининг манфаатларини уларнинг ота-оналари, ҳомийлари ва васийлари ҳимоя қиладилар.

Турар жой эгалари бир квартирада истиқомат қилишининг имконияти бўлмай қолган тақдирда суд уйдан кўчиб кетаётган кишига умумий мулк бўлган квартирадаги унинг улуши қийматини ҳокимият органлари белгилайдиган, судга даъво аризаси берилган кундаги бозор нархида пул билан тўлашни турар жой эгаларидан бирининг зиммасига юклаган ҳолда мазкур Кодекснинг 112-моддасини қўллашга ҳақли.»

13. 151-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«151-модда. Ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан уйлари (уйларининг бир қисми) ёки квартиралари бузиладиган гражданларни турар жойлар билан таъминлаш**

Давлат ёки жамият эҳтиёжи учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан гражданларга қарашли уй (уйнинг бир қисми) ёки квартира бузиладиган бўлгани тақдирда ана шу гражданларга уларнинг хоҳишига кўра ҳамда томонларнинг келишувига биноан бепул мулк қилиб бериладиган квартира олиш ёхуд тегишли корхона, муассаса, ташкилот томонидан янги жойда қурилган уй, иморат, иншоотни мулк қилиб олиш ёки бузилган уй (уйнинг бир қисми), квартира, иморат, иншоот, нобуд бўлган экин ва дов-дарахтлар эвазига товон пули олиш ҳуқуқи берилади.»

14. 152 ва 153-моддалар чиқариб ташлансин.

15. 16-модда ва 17-модданинг 4-банди, 32-модданинг номи, 32, 37, 131-моддаларнинг матнлари «уйларнинг», «уйларининг», «уйлари», «уй-жойи», «уйларда», «уйдаги», «уйлардаги», «уйларига», «уйига» деган сўзлардан кейин тегишинча «(уйлар бир қисмининг) ва квартираларнинг», «(уйлар бир қисмининг) ва квартираларининг», «(уйлар бир қисми) ва квартиралари», «(уйнинг бир қисми) ва квартираси», «(уйлар бир қисмида) ва квартираларда», «(уйнинг бир қисмидаги) ва квартирадаги», «(уйлар бир қисмидаги) ва квартиралардаги», «(уйлар бир қисмига) ва квартираларига», «(уйнинг бир қисмига) ва квартирасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-бобнинг, 134—141-моддаларнинг, 144—150-моддаларнинг номлари, шунингдек 134—150-моддаларнинг матнлари «уйлардаги», «уйдаги», «уй-жойдан», «уй», «уйга», «уйни», «уй-жойларни», «уйларни», «уй-жойи», «уй-жой» деган сўзлардан кейин тегишинча «(уйлар бир қисмидаги) ва квартиралардаги», «(уйнинг бир қисмидаги) ва квартирадаги», «(уйнинг бир қисмидан) ва квартирадан», «(уйнинг бир қисми) ва квартира», «(уйнинг бир қисмига) ва квартирага», «(уйнинг бир қисмини) ва квартирани», «(уйларнинг бир қисмини) ва квартираларни», «(уйнинг бир қисми) ва квартираси», «(уйнинг бир қисми) ва квартира» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**Марказий Осиё давлатлари иқтисодий интеграцияси, энг аввало, ички тараққиётга хизмат қилиб, миллий валютанинг қадрсизланиши жараёнини жиловлашга хизмат қилади.** Масалан, бир мамлакат иқтисодиётига, унинг молиявий аҳволига жиддий салбий таъсир ўтказди. Чунки бу маҳсулотларнинг асосий қисми ташқаридан келтирилади. Биргина энергия воситаларининг қиймматлашуви бу ердаги барча асосий тармоқларда ҳаражатларнинг ошиб кетишига олиб келди. Урушга қадар Марказий Осиё республикаларида экинлардан спирт ажратиб оладиган корхоналар бор эди. Кейинчалик бу заводлар ёпилиб, спирт ишлаб чиқариш монополияси Украинага берилди. Украина эса кейинги йилларда спирт етказиб бериш мажбуриятларини турли сабабларга кўра узлуксиз буза бошлади. Бундан фармацевтика, парфюмерия, озиқ-овқат саноати, касалхоналар, поликлиникалар, демакки, аҳоли катта зарар кўрадиган бўлди. Қанд-шакар ишлаб чиқаришда ҳам аҳвол шундай.

Бундай шароитда минтақа давлатлари қарши чоралар кўришга мажбур бўлмоқда. **Пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни, биринчи навбатда енгил, тўқимачилик, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш мақсадида халқ хўжалигида кескин структуравий қайта қуришнинг жадаллашаётгани** ана шундай чоралар жумласига киради.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамкорлиги зарурати бу ерда истиқомат қилаётган туб аҳолининг ўхшаш тил ва ягона динга мансублиги, муштарак тарих ва анъаналаригагина асосланмайди, албатта. Гарчи бу омилларнинг аҳамияти беқиёс бўлса-да, масала бунда анча чуқурроқ. **Иқтисодий ўсиш, бозор қонуниятлари минтақавий иқтисодий бирлашувни тақозо этмоқда.** Нефть ишлаб чиқарадиган араб давлатлари уюшмаси (ОПЭК) Африка, Лотин Америкаси давлатлари ва ниҳоят, «Умумий бозор»га кирадиган Европа давлатлари бирлашмаси тасодифий эмас. **Иқтисодий тараққиётни таъминловчи шунингдек, бозор муносабатларини ривожлантирувчи тўрт унсур — меҳнат, капитал, товар ва хизматнинг ягона ҳудудда эркин ҳаракат қилиши учун минтақамизга умумий бозор зарур.** Божхона зарбалари, кўп вақт, асаб ва қувват сарфини тақозо этадиган турли расмиятчиликлар ҳам иқтисодий иттифоқга ундовчи омиллардандир.

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

# Осиё бозори

№ 60

1994 йил 2 июнь.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

# СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ 1994 ЙИЛ 10 ИЮНЬ КУНИ КЎЧМАС МУЛКЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА «КИМ ОШДИ» САВДОСИНИ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

### 1. «МЕБЕЛЛАР САЛОНИ» ДЎКОНИ.

1 қаватли ушбу бино Самарқанд шаҳри Акмал Икромов кўчасида жойлашган. Пойдевори блокли. Деворлари панелдан, умумий фойдаланиш майдони — 1.760 м. кв., савдода фойдаланиш майдони 1.360 метр кв, 400 метр кв. қўшимча фойдаланиш жойлари ҳам бор. Марказий манбадан иссиқлик, газ, сув, канализация билан таъминланган.

**Дастлабки сотилиш баҳоси — 900.0 млн. сўм-купон.**




### 2. САМАРҚАНД ШАҲРИДАГИ МАРШРУТ ТАКСИ САРОЙИ

Ушбу такси саройи «Самарқандйўловчитранс» бирлашмасига қарашли бўлиб, алоҳида ишлаб чиқариш ва маъмурий биноларига эга. 2 гектар ер участкаси бор, автопарк барпо этиш учун барча шароитлар етарли, ёнилғи қуйиш шаҳобчаси, иссиқхона учун бино, ишлаб чиқариш цехлари, бостирма, машина ювиш жойи, шунингдек овқатланиш, тиббиёт хизмати ва корхона ишчиларининг дам олишлари учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Автопарк ҳудуди тўлиқ ўраб чиқилган. Савдога ускуналарсиз автомашиналарсиз фақат бино ва хоналар қўйилади.

**Дастлабки сотилиш баҳоси — 2.200.0 млн. сўм-купон.**

### 3. «ЖИГУЛИ» АВТОМОБИЛИ.

«ВАЗ—21063» маркасидаги ушбу машина қисман таъмир талаб.

**Дастлабки сотилиш баҳоси — 15,0 млн. сўм-купон.**

### 4. ҲАММОМ (қурилиши тугалланмаган).

Самарқанд шаҳри, Андижон кўчасида жойлашган. Қурилиши 1990 йилда бошланиб, тугалланмай қолган ушбу бино 1 қаватли бўлиб, пишиқ ғиштдан қурилган. Ички қисмида пардозлаш ишлари тугалланган. 30 ўринга мўлжалланган. Умумий фойдаланиш майдони — 232,2 метр кв.

**Дастлабки сотилиш баҳоси — 300.0 млн. сўм-купон.**



### 5. СИЕБ ҲОКИМЛИГИ БИНОСИ

(қурилиши тугалланмаган).

Самарқанд шаҳри, Чўпон ота мавзесида жойлашган. Қурилиши 1980 йилда бошланган. 4 қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. Қурилиш замонавий услубда бошланган. Асосий бино (корпус) қуриб битказилган. Фақат ёрдамчи биноларнинг бир қисми ва пардозлаш ишлари тугалланмаган.

**Дастлабки сотилиш баҳоси — 300.0 млн. сўм-купон.**

Вилоятимизда яқин кунларда ўтадиган кўчмас мулкларни хусусийлаштириш бўйича «ким ошди» савдосига хилма-хил тўққизта объект қўйилган. Барча тадбиркор ва ишбилармонларни кўҳна Самарқандга чорлаймиз. Шошилинг азизлар, зеро, кўчмас мулклар ўзининг ҳақиқий эгаларига мунтазир.

**Абдулла БЎТАЕВ,**
**Самарқанд вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи.**

### 6. «КАТТАҚЎРҒОН» МЕҲМОНХОНАСИ.

Каттақўрғон шаҳар, Амир Темур кўчасида жойлашган. 1985 йилда қуриб битказилган. 3 қаватли ушбу бино пишиқ ғиштдан қурилган. 105 ўринли. Ресторан ва буфет комплекси учун хоналар бор. Шунингдек, ҳовли, бассейн, автомобиллар турар жойи, ҳамда ёзги дам олиш павильони бор. 1-қаватда маиший хизмат, сартарошхона ва дам олиш хоналари мавжуд. Меҳмонхонада 11 киши хизмат қилади.

**Дастлабки сотилиш баҳоси — 310.0 млн. сўм-купон.**

### 7. № 3 ҲАММОМ.

Каттақўрғон шаҳар О. Мирий кўчасида жойлашган. 1965 йили қуриб битказилган. Бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. 9 та душхонаси ва 1 та алоҳида хонаси бор. Ҳаммом марказий канализация тизимига уланган. Бир пайтнинг ўзида 50 кишига хизмат қилади.

**Дастлабки сотилиш баҳоси — 18.0 млн. сўм-купон.**

### 8. БОЗОРДА ЖОЙЛАШГАН САВДО МАРКАЗИ.

Булунғур шаҳрида, 1993 йил қуриб битказилган, ушбу бино икки қаватли бўлиб, пишиқ ғиштдан қурилган. Унга 14 та дўкон киради. 2-қаватда кўргазма зали ва қўшимча хоналари мавжуд.

**Дастлабки сотилиш баҳоси —350.0 млн. сўм-купон.**

### 9. ИССИҚХОНА.

Каттақўрғон туманида жойлашган. 1993 йил қурилиб фойдаланишга топширилган, 30 сотих ер майдони, қозонхонаси бор. Ҳозир бу ерда 260 тип лимон кўчати ҳосилга кирган.

**Дастлабки сотилиш баҳоси — 900.0 млн. сўм-купон.**

«Ким ошди» савдосига қатнашишни истаганлар ариза лар бериши ва иморат ҳамда автомобиллар бошланғич баҳосининг 10 фоизи ҳажмида ширинкома тўлаши зарур. Савдоси бўлмаган мулкларга берилган ширинкома эгаларига қайтарилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 35-98-80, 31-23-46, 35-78-20.

«Ким ошди» савдосига қатнашишга шошилинг! Имкониятни қўлдан берманг, азизлар!

# «БЕРИНГЕР ИНГЕЛЬХАЙМ» САЛОМАТЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

«Берингер Ингельхайм Фарма Гмбх», Вена — бу «Берингер Ингельхайм Интернэшнл Гмбх» Ингельхайм (ГФР) концерни доирасида шаклланган бўлиб, у Шарқий Европа ҳамда МДҲ бозорларида маркетинг ишларини олиб боради.

«Берингер Ингельхайм» фирмаси фаолиятининг асосий йўналиши дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш — 98 фоиз, субстанция ва дори тайёрлаш саноати учун хом ашё етказиб беришдан иборат.

«Берингер Ингельхайм» корпорациясига 1885 йилда асос солинган ва ҳозирги пайтда энг йирик доришунослик компанияларининг биринчи ўнлигига кирувчи кўп миллатли компания ҳисобланади.

Фирманинг Европада 11 фабрикаси, шунингдек АҚШ, Канада, Япония, Австралия, Индонезия, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатларда йирик заводлари мавжуд. «Берингер Ингельхайм» ГФР, Австрия, АҚШ ва Японияда 4 та энг замонавий илмий-тадқиқот марказига эга.

Фирманинг — доришунослик ишлаб чиқариш фаолиятидаги асосий йўналишлари нафас, юрак, қон-томир, овқат ҳазм қилиш органлари ва асаб тизимидаги, шунингдек қандли диабет касалликларини даволаш учун дори-дармонлар тайёрлашдан иборат эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Фирма 350 турдан ортиқ дори-дармон тайёрлайди. Булар кўп йиллардан буён тегишли хасталикларни даволашда муваффақиятли қўлланиб келинаётган, машҳур, юқори самарали дорилардир. Айниқса пульмонология (бўғма касалликлар)да фойдаланиладиган дорилар тайёрлашни тадқиқ этиш ва ишлаб чиқариш жиҳатдан фирма юксак мавқега эга бўлиб, бу борада республика шифокорларининг алоҳида эътиборини жалб этмоқда. Бу бежиз эмас. Нафас йўли ва ўпка касалликлари Ўзбекистонда кўп учрайдиган хасталиклар орасида олдингилар қаторида туради. Шу боис ҳам фирма маҳсулотларига эҳтиёж катта.

Мустақиллик республикамиз учун имкониятлар дарвозасини кенг очди. Истиқлол туфайли юртимизда расмий равишда «Берингер Ингельхайм» фирмасининг ваколатхонаси 1993 йил 20 декабрда очилди. Асосий фаолиятини ўша йил май ойидан бошлади. Д-р Ж. М. Маҳмудов ваколатхона директори, профессор Г. А. Воҳидова эса тиббиёт маркетинги бўйича директор ҳисобланадилар.

Ваколатхонанинг асосий вазифалари:

— турли нхтисосликдаги шифокорлар кенг доирасини энг янги илмий-тиббий ахборотлардан воқиф этиш;

— «Берингер Ингельхайм» фирмаси дори-дармонларини клиник тадқиқотлардан ўтказиш;

— фармқўмита билан ҳамкорликда «Берингер Ингельхайм» фирмаси дори-дармонларини рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш;

— фирма дори-дармонларини валютага сотиш бўйича шартномалар тузиш ва бошқа ҳамкорлик усулларидан фойдаланган ҳолда тижорат ишларини юргизишдан иборат.

Республиканинг таниқли шифокор — мутахассислари профессорлар— А. М. Убайдуллаев, А. А. Назаров, Н. С. Салахова, Х. А. Ҳошимов, У. А. Асқаров, Р. М. Рўзибоқиевлар билан ҳамкорлик ваколатхона фаолиятида катта аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг йирик тиббиёт марказларида уларнинг раҳбарлигида (бероуал, ингакорт, дитэк, гастроцепин, глюренорм, мекситил) дорилар тадқиқ этилади. Бу эса уларнинг юқори самарадорлигини ва ҳеч қандай асорат қолдирмаслигини яна бир бор тасдиқлаб беради. Бу дорилардан кўплари ҳаёт учун зарур дори-дармонлар рўйхатидан ўрин олган.

Бу дори-дармонлар клиник тадқиқот марказларига ҳолисанилло тарқатилганлигини таъкидлаш ўринлидир.

«Берингер Ингельхайм» фирмаси дори-дармонларининг самарадорлигига биринчилардан бўлиб «Навоийазот» ва Навоий ГМК конметаллургия комбинати корхоналари яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар ва фирмадан дори-дармон олиш учун шартнома туздилар.

Бундан ташқари «Берингер Ингельхайм» фирмаси томонидан 30.000 немис маркаси миқдорида меҳр—шафқат ёрдами кўрсатилди.

Клиник тадқиқотлар билан бирга Фармқўмита билан ҳамкорликда фирма тавсия этаётган дориларни рўйхатдан ўтказиш ишлари ҳам биргаликда олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда 2 та таниқли дорига таксофит (витаминлар мажмуи) ва финальгон номли дориларга қайд гувоҳномаси олинди. 1994 йилда яна еттита дори-дармонни рўйхатдан ўтказиш режалаштирилган, бу эса уларни сотиб олиш имконини кенгайтиради.

Фирма ўз даромадининг салмоқли қисмини илмий тадқиқот ишларига йўналтирмоқда. Шу муносабат билан ҳозирги пайтда «Берингер Ингельхайм» фирмаси Тошкентда 7—8 июнда ўтадиган йирик илмий анжуман — Марказий Осиё пульмонологлари ва аллергологларининг ҳомийси эканлигини ҳам таъкидлаш жоиздир.

«Берингер Ингельхайм»нинг бутун фаолияти инсон саломатлигига хизмат қилишга, тиббиёт илмини бойитишга, доришуносликни ривожлантиришга йўналтирилган. Ваколатхона Тошкент шаҳар Матбуотчилар кўчаси, 32-уйнинг 5-қаватидаги 530—532 хоналарда жойлашган. Телефонлари 33-91-55, 33-24-74.

Фирмамиз билан шартномалар тузишга шошилинг.

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИ**

## РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

**1994-1995 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.**

Билим юрти қуйидаги касблар бўйича малакали ишчи ходимлар тайёрлайди.

1. Аёллар ва эркаклар устки кийимини тикувчи (ўғил ва қиз болалар)—ўқиш муддати 1,2 йил.
2. Радио-телевизор аппаратураларини таъмирловчи уста-ўқиш муддати 2 йил.
3. Маиший уй-рузғор электр асбобларини таъмирловчи уста-ўқиш муддати 1 йил.
4. Соатларни таъмирловчи уста-ўқиш муддати 1 йил.
5. Оёқ кийимларни тикувчи ва таъмирловчи уста-ўқиш муддати 1 йил.
6. Тикув машиналарини таъмирловчи уста-ўқиш муддати 1 йил.
7. Давлат, кичик корхона ва тижорат тизими ҳисоб-китоб бухгалтери — ўқиш муддати 1 йил.

Ўқиш муддати 1 ва 2 йиллик гуруҳларга 11 синфни битирганлар қабул қилинади.

Билим юртини тугатгандан сўнг ихтисослик бўйича диплом берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчиларга иш ҳаққининг 50 фоизи тўланади.

Билим юрти ётоқхона, ошхона ва спорт комплексига эга, ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароитлар мавжуд.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхаси.
4. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.
5. Турар жойдан маълумотнома.
6. Ижтимоий таъминот бўлимларидан йўлланма.
7. Ногирон болалар учун тиббий меҳнат эксперти ҳайъатининг тавсияномаси.
8. 6 та 3Х4 ҳажмли сурат.
9. Папка ва бир дона конверт.

БИЗНИҢ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, 700113, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 47-уй.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 78-78-72, 78-82-72.

ТРАНСПОРТ: 4, 9 трамвайларнинг ва 2, 13, 33, 70 автобусларнинг «Кўрлар жамияти», бекати.

Ҳужжатлар ҳар куни соат 9.00 дан 16 гача қабул қилинади.

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ МАКТАБ — ЛИЦЕЙГА**

**Ўнинчи ва ўн биринчи интернат типидаги лицей синфларига 9 ва 10-синфларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга тугатган ўқувчиларни**

**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Машғулотларни институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ўзбек ва рус тилларида олиб борадилар.

Ҳужжатлар 15 июндан 30 июнгача қабул қилинади.

Лицейга қабул қилинган ўқувчилар ётоқхона ва уч маҳал иссиқ овқат билан (50 фоиз ота-оналар ҳисобидан) таъминланадилар.

Номзодлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Ректор номига ариза.
2. 9-синфни битирганлиги тўғрисида шаҳодатнома.
3. 10- ва 11-синфлар учун давомат табели.
4. Тиббий маълумотнома (086 У шаклида).
5. 3×4 ҳажмидаги сурат (12 дона).

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛГОҲ: — ТОШКЕНТ 700000 ГСП, Қори-Ниёзий кўчаси 39, 12-ўқув биноси, 4-қават.

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ЯШОВЧИ, 9-СИНФНИ БИТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАР**

## ДИҚҚАТИГА!

**ТОШКЕНТ КИМЕ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

Табиий фанларга қизиқувчи, келажакда кимё ва озиқ-овқат саноатининг муҳандис-технологи бўлиб етишишни астойдил орзу қилган аълочи ўқувчиларни институт қошидаги лицейнинг 10-синфига

**ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Лицейга қабул қилинган ўқувчиларни институтнинг тажрибали профессор ва ўқитувчилари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган аудитория ва тажрибахоналарда ўқитадилар. Шу билан бирга аниқ ва табиий фанлар бўйича чуқурлаштирилган дастур асосида тест синовларига тайёрлаб борилади.

Лицейга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— институт ректори номига ариза;
— мактаб педагогик кенгаши тавсияномаси;
— мактабдан тавсифнома;
— 086 У шаклидаги тиббий маълумотнома;
— тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
— 3×4 ҳажмдаги 4 та сурат.

Ҳужжатлар 30 июнгача қабул қилинади.

Суҳбатлар 1 июлдан 10 июлгача ўтказилади. Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади. Вилоятлардан келган ўқувчиларга институт ётоқхонасидан жой берилади.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилгоҳдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур кўчаси, 10 уй, 13 хона. Телефон: 41-03-60.

---

**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Президиуми, биология фанлари ва тиббиёт фанлари бўлимлари хирургия соҳасида йирик олим, Ўзбекистон Республикаси ФА академиги

**Восит Воҳидович ВОҲИДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий марказ директори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жарроҳи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги

**Восит Воҳидович ВОҲИДОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, унинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги «Аудитор» хизмати

**ТУГАТИЛДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Телефон: 41-18-34.

---

**ҒИШТ ТАЙЁРЛАШ УСКУНАЛАРИ СОТИЛАДИ**

## «ИРИТ-2» КИЧИК КОРХОНАСИ

доимий мижозлар ва бошқа буюртмачилар диққатига шуни маълум қиладики, корхона нам шиббалаш усули билан ғишт тайёрлаш ускуналарининг мавсумий савдосини бошлаб юборди.

Ускунанинг ишлаб чиқариш қуввати-соатига 180 дан 1200 тагача ғишт тайёрлайди.

Хомашё — цемент ва сув қўшилмаган тупроқ.

Ғиштнинг мустаҳкамлиги 1 квадрат сантиметрга 50 килограммдан кам бўлмаган юкни кўтаради.

Ускуна ўзини қоплаш муддати 4—6 ой.

Нархи арзонлаштирилган.

Телефонлар: 62-52-91 соат 16.00 га қадар, 44-47-20, 22-32-51 соат 18.00 дан кейин.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси Матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва биллирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.

ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар. Индекс: 75487.



축

환 영

대한민국 김영삼 대통령 내외분 우즈벡공화국 공식방문

## *Корея Республикаси Президенти*

# Ким Ен Самнинг

Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи муносабати билан чуқур ҳурмат—эҳтиром билдириб, самимий қутлаймиз.

Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси
Корея Республикасининг Тошкентдаги маориф маркази.

Дэу фирмаси
Самсунг фирмаси
Сунг Ву фирмаси
Шиндонг фирмаси
Хон Жун фирмаси

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қумқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-46-24; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—20.30
Г — 939 тир. 85501.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, М. МИРФАЙЗИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй. 123456.